2015 ЙИЛ 28 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 18 (12.831)

Баҳоси эркин нархда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Президент Ислом Каримов 27 январь куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Памела Спратлендан ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада мустаҳкамлаш истиқболлари, долзарб халқаро ва минтақавий масалалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари элчини ушбу вазифага тайинлангани билан табриклаб, унинг масъулиятли фаолиятига муваффақият тилади.

Элчи АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини юксак баҳолади.

Учрашувда таъкидланганидек, ўзаро манфаатли ва самарали муносабатларни кенгайтириш, жумладан, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш учун мавжуд салоҳиятни тўла ишга солиш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этишга томонлар алоҳида аҳамият беради.

Тошкент шаҳрида 2014 йил охирида икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги маслаҳатлашувлар, Америка – Ўзбекистон савдо палатаси вакиллари ҳамда мамлакатимиз ишбилармонлари иштирокида ўтган бизнес-форумда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Томонлар маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларга оид масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

(ЎзА)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Турмуш даражаси юксалгани сари инсоннинг ўзига, оиласига эътибори ҳам ортиб бораверади. Озода ва соғлом яшашга, яхши кўринишга ҳаракат қилади.

ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

Мамлакатимизда аҳолининг маиший шароитлари яхшиланиб, ҳаёт сифати изчил юксалмоқда. Буни косметика маҳсулотлари, санитария-гигиена воситаларига талаб ошиб бораётганидан ҳам билиш мумкин.

Тошкент шаҳридаги «Eclair Cosmetic» Ўзбекистон – Буюк Британия қўшма корхонасида ана шундай харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. 2011 йилдан буён фаолият юритаётган қўшма корхона соч ва терини парваришлаш воситалари билан мамлакатимиз косметика бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаган. «Eclair» ва «Spuma» брэндлари остидаги ўттиз олти хил рангдаги крем-бўёқлар, юздан зиёд турдаги шампунь ва бальзамлар, суюқ совун, қўл, юз, оёқ ҳамда болалар кремлари истеъмолчиларга яхши таниш.

Корхона маҳсулотлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсатномасига эга экани, дерматологик ва хавфсизлик кўрсаткичларини сертификатлаш талабларига тўла жавоб бериши билан аҳоли ишончини қозонган.

Мамлакатимиздаги иқтисодий эркинлик самарасида қўшма корхона фаолияти тобора ривожланиб, ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ўсмоқда. 2014 йилда бу ерда тўрт ярим миллион донага яқин маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични беш миллионга етказиш режалаштирилган.

– Эътибор, имконият бўлган жойда иш олга силжийверар экан, – дейди қўшма корхона менежери Эркин Манзуров. – Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида бизнес юритиш учун яратилган имтиёз ва кафолатлар самарасини ўз корхонамиз мисолида кўриб турибмиз. Қисқа вақтда ички бозорни тўлдириш билан бирга ташқи бозорларга чиқишга ҳам муваффақ бўлдик. Бугунги кунда маҳсулотларимиз Жанубий Осиё ва МДҲ мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Бундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини изчил ошириш, экспорт географиясини янада кенгайтириш – асосий мақсадимиз.

Айни вақтда қўшма корхонада қирққа яқин йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Уларнинг малакасини мунтазам ошириб бориш, тажриба алмашиш мақсадида Германия, Италия, Испания, Франция каби мамлакатлар мутахассислари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

«Eclair Cosmetic» мамлакатимизнинг барча ҳудудида дистрибьюторлик тизимига эга. Бу маҳсулотларни аҳолига ўз вақтида етказиш, истеъмолчиларнинг компания маҳсулотларига талаби ва муносабатини доимий ўрганиш ҳамда маҳсулот сифатини ошириб бориш имконини бермоқда.

Қиш охирлаб, баҳор келишига оз фурсат қолган айни кунларда корхонада иш янада қизғин. Келинчак фаслда косметика маҳсулотларига талаб ортади. Бундай маҳсулотлар, айниқса, 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрамида гўзал аёлларимизга ажойиб совға бўлади.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири
Отабек Мирсоатов (ЎзА)
олган суратлар

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Ҳайъатининг 2014 йилда ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш бўйича амалга оширилган ишлар сарҳисоби, истиқболдаги вазифаларга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

● Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманидаги «Баркамол авлод» болалар ижодиёти маркази янги бинода фаолият бошлади. Марказнинг янги биносини қуриш ишларига 704 миллион сўм сарфланди. Бу ерда кунига икки юздан зиёд ўғил-қиз тажрибали мутахассислар раҳбарлигида ўлкашунослик, бадиий ижодиёт, экология йўналишларида қобилиятини ривожлантириши учун зарур шароит яратилди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманида муқобил энергия манбалари ва улардан фойдаланиш самараларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Иштирокчилар туманда Германия техникавий ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширилган брикет ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишди. Шох-шабба, сомон ва ўсимлик ярпоғидан тайёрланаётган махсус ўтин – брикетдан иссиқхона ва аҳоли турар жойларини иситишда кенг фойдаланилади. Экологик тоза бу маҳсулот тежамкорлиги билан аҳамиятлидир.

ЖАҲОНДА

● Диаметри ярим километр атрофида ва ҳажми 157 миллион тонна бўлган 2004BL86 астероиди ер сайёрасига жуда яқин масофага — 1,2 миллион километрга яқинлашди. НАСА мутахассисларининг таъкидлашича, ушбу астероид ерга нисбатан ҳеч қандай хавф туғдирмайди. Таъкидлаш жоизки, астероидни кўз билан кўриб бўлмайди, бироқ, бу ишни кучли ҳаваскорлик телескоплари орқали амалга ошириш мумкин.

● Париж автосалонларининг бирида «Smart» компанияси «eScooter» электроскутери тақдимотини ўтказди. Айтиш керакки, 4кВт қувватга эга электромотор билан жиҳозланган электроскутер бир марта қувватлантирилганда 97 километр масофани босиб ўтиш имкониятига эга. Уни маиший тармоқ орқали қувватлантириш эса атиги 3 соат вақтни талаб этади.

● АҚШнинг Массачусетс штатида қалин қор ёғиши ва кучли шамол эсиши натижасида 30 мингдан ортиқ киши электр қувватисиз қолди. Штатнинг айрим ҳудудларида қорнинг эриши натижасида сув тошқинлари рўй бермоқда.

29 март — сайлов куни

САЙЛОВ ЖАРАЁНИ ОЧИҚЛИГИ ВА ОШКОРАЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш тўғрисида битимлар имзолади.

Сайловларнинг очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик каби демократик тамойилларга мувофиқ ўтказилишида оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади. Оммавий ахборот воситалари «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ сайлов жараёнини кенг ёритади.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов ўтган йиллардаги сайлов кампаниялари, айниқса, 2014 йилги парламент сайлови мобайнида Марказий сайлов комиссияси ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичлари ҳақида жамоатчиликни кенг хабардор қилиш бўйича катта тажриба тўпланганини таъкидлади.

Битимлар сайлов тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатлари – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли моддалари, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлар ва сайлов жараёнини тартибга соладиган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини самарали ташкил этишга қаратилган.

Имзоланган битимларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар учун сайловолди ташвиқотини олиб бориш мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш борасида кенг ва тенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор берилади. Сайловолди дастурларининг мазмуни ва мамлакатни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим масалалари бўйича ўз нуқтаи назарини сайловчилар ва жамоатчилик эътиборига етказиш учун тенг ҳажмда эфир вақти ва нашр майдони ажратилади.

Томонлар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнига оид ахборотларни Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси теле ва радиоканаллари, мамлакатимизнинг етакчи ахборот агентликлари ва босма оммавий ахборот воситаларида ўз вақтида тарқатиш борасида ҳамкорлик қилади.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бошқарувининг 2014 йил фаолияти якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎзА.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

МАҲАЛЛА — ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР КЎЗГУСИ

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов ва бошқалар маҳалла институти фаолиятини такомиллаштириш масаласига Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларда алоҳида аҳамият берилаётганини таъкидлади.

2014 йилда ҳам ёшларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгу шуурини турли ғоявий таҳдидлардан ҳимоялаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда маҳаллаларнинг таъсирини янада кучайтириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар ҳаётга изчил татбиқ этилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди тизимида «Соғлом бола йили» Давлат дастури мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда оила институтини мустаҳкамлаш, тўй ва маросимларни ихчамлаштириш, ёшларда юксак маънавий фазилатларни, жумладан, катталарга ҳурмат, ғамхўрлик, Ватанимиз ва халқимизга садоқатли бўлиш ғояларини тарғиб этиш юзасидан кўплаб лойиҳалар, тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари, семинар-машғулотлар ўтказилди.

Кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар, ота-она меҳридан бебаҳра қолган болалар, ёлғиз қарияларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга оид тадбирлар доирасида 7 миллиард 300 миллион сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди. Кўпболали оилалар фарзандларини ёзги оромгоҳларда соғломлаштириш, Саховат ва Мурувват уйларига, ногиронларга кийим-кечак, бошқа зарур маҳсулотлар тарқатиш доимий эътиборда бўлди.

«Болалар учун пойабзал» лойиҳаси доирасида ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тарбияланувчиларини пойабзал билан таъминлашга 600 миллион сўм маблағ ажратилди.

Маҳаллаларда тўпланган илғор тажрибаларни оммалаштириш бўйича «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари», «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси», «Маҳаллам тарихини ўрганаман» каби анъанавий кўрик-танловлар, маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида «Футболимиз келажаги», «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Отам, онам ва мен – спортчи оила» спорт мусобақалари ўтказилди.

Ўтган йили 1330 фуқаролар йиғини компьютер жамланмаси, 2442 фуқаролар йиғини мебель жиҳозлари билан таъминланди. 314 маҳалла фуқаролар йиғини жорий, 85 таси капитал таъмирланди, 2 маҳалла идораси қайта реконструкция қилинди, 30 таси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Буларнинг барчаси жамиятимизда маҳалла институтининг роли ва мавқеини янада мустаҳкамлаш, фуқаролар ўртасида аҳиллик, меҳр-оқибат бағрикенглик туйғуларини мустаҳкамлаш, ёш авлодни халқимизнинг анъана ва қадриятларига эҳтиром руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Йиғилишда ўтган йили эришилган натижалар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ҳам атрофлича муҳокама этилди. Маҳаллалар фаолиятини янада самарали ташкил этиш бўйича истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Н.УСМОНОВА

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларига замонавий ахборот технологияларининг кенг жорий этилаётгани мамлакатимиз дастурий маҳсулотлар бозорини жадал ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари

ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР САНОАТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг 98 фоизи солиқ ва статистика ҳисоботлари топширишни, божхона декларацияларини расмийлаштиришни эски усулдаги қоғоз тўлдириш йўли билан эмас, балки бевосита – электрон шаклда амалга ошираётганини таъкидлади.

Ташкилот ва корхоналар, вазирлик ва идоралар фаолиятининг автоматлаштирилаётгани мамлакатимиз дастурчиларини сифатли ва рақобатбардош дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ундамоқда. Президентимизнинг 2013 йил 20 сентябрда қабул қилинган «Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори соҳа учун кенг имконият ва қулай шароит яратмоқда.

Бунинг самарасида Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларнинг Миллий реестри мунтазам кенгайтирилиб, бугунги кунда у мамлакатимизнинг 69 компаниясини ўзида қамраб олган. Айни пайтда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқувчиларнинг www.software.uz каталогида 1,6 мингдан ортиқ миллий дастурий маҳсулотга оид маълумотлар мавжуд. Миллий реестрда рўйхатдан ўтказилган ишлаб чиқувчилар имтиёз ва преференциялардан самарали фойдаланмоқда. Бу, ўз навбатида, уларнинг маҳсулотлари нархи ва сифатида аксини топаётир. Натижада аксарият ташкилотлар дастурий таъминот воситаларини танлашда мамлакатимиз компаниялари дастурларини афзал кўрмоқда.

«BePro» дастурчилар маркази маҳсулотларидан турли корхона ва компаниялар, вазирлик ва идоралар фаолиятида кенг фойдаланилмоқда. «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Узмобайл» филиали учун яратилган UzGPS ҳаракатдаги объектларни мониторинг қилиш тизими муваффақиятли лойиҳалар сирасига киради. Чунончи, «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси ва «Махсустранс» ишлаб чиқариш бошқармаси ушбу тизимга уланган. KaDaTa автоматлаштирилган ахборот-кутубхона маҳсулотлар линейкасини жорий қилиш ишлари давом эттирилмоқда. Мамлакатимиздаги 375 ахборот-кутубхона муассасаси ушбу маҳсулотлардан фойдаланмоқда. MedDATA дастурий маҳсулоти Тошкент ва Сирдарё вилояти тиббиёт муассасаларига жорий этиш босқичида турибди.

«Intelligent Solutions» компанияси мамлакатимизда янги дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқиш ва интеграция қилиш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда. Компаниянинг ҳужжатлар ҳаракатини тезкор назорат қилиш ва уларга ишлов беришни соддалаштиришга мўлжалланган IS Docflow автоматлаштирилган тизими Самарқанд автомобиль заводи ҳамда Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинатида жорий этилди. Компания ишлаб чиқувчилари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий фаолиятини комплекс автоматлаштириш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширди.

Таъкидлаш жоизки, миллий дастурий маҳсулотлар бухгалтерларнинг сермашаққат ишини енгиллаштиришга хизмат қилаётир. Жумладан, «Бухгалтерга электрон мадад» (БЭМ) дастури бухгалтерларнинг молиявий харажатларини ва вақтини сезиларли тежаш, солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни миллий стандартларга тўла мос равишда амалга ошириш имконини бермоқда. Бугунги кунда шундай дастурлар рўйхати фаол равишда тўлдириб борилмоқда.

Муҳаммад ҚАРШИБОЕВ,
ЎзА мухбири

Мамлакатимизда бозор муносабатлари асосида амалга оширилаётган изчил ўзгаришлар жараёнида тижорат банклари томонидан чакана операцияларни ривожлантириш, мижозларга тақдим этиладиган хизмат турларини кўпайтириш орқали ўз фаолиятини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий технологияларни қўллаш орқали таклиф этилаётган хизмат турлари банк харажатларини камайтириш ва мижозлар вақтини тежаш имконини бераётир.

ЯНГИ ТИЗИМ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори соҳага инновацион янгиликларни фаол жорий этишда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Унга кўра, банк тизимида ҳисоб-китоб ва ҳисоботларнинг янгича ёндашувларини шакллантириш, замонавий технологиялар ҳамда услубларни жорий қилиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш борасида қатор изланишлар олиб борилмоқда. «Ипотека-банк» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Газначилик бошқармаси мутахассислари ҳамкорлигида яратилган электрон қайднома тизими ана шу изланишлар самарасидир.

«Ипотека-банк» акциядорлик тижорат банки пластик карталар бошқармаси бошлиғи Улуғбек Раҳметовнинг маълум қилишича, мазкур тизим орқали бюджет корхоналари ва ташкилотлари ишчи-ходимларининг ойлик иш ҳақи, унга тенглаштирилган тўловлари UzASBO (Ўзбекистон бюджет ташкилотларининг автоматлаштирилган тизими) дастури орқали банкда очилган пластик карталарга автомат тарзда кирим қилинади.

Мазкур янги тизимнинг бир қатор афзалликлари мавжуд. Аввало, иш ҳақи қайдномалари электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда Газначилик бошқармасининг UzASBO дастуридан банкка махсус ҳимояланган канал орқали жўнатилиб, мижозларнинг пластик карта ҳисобварақларига пул маблағлари автоматик равишда кирим қилинади. Бу корхона ва ташкилотлар иш ҳақи қайдномаларини банкка қоғоз ва электрон кўринишдаги шаклларини тақдим этиш учун сарфланган вақтни тежаш имконини беради.

Ушбу лойиҳа 2013 йилнинг учинчи чорагидан «Ипотека-банк» филиалларида муваффақиятли синовдан ўтказилди. Айни пайтда банкнинг барча филиаллари орқали 600 дан зиёд бюджет ташкилотларига жорий этилди.

С.ШОЕВА,
ЎзА мухбири

Транспорт

РЕЖАЛИ ИШЛАР САМАРАСИ

Шаҳримиздаги «3-автобус саройи» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси ўтган йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлади. Автосарой жамоаси томонидан 40 миллион 389 минг йўловчи манзилларига бехатар элтиб қўйилган бўлиб, бу белгиланган режадан 1,6 фоизга кўпдир.

Корхона жамоаси 2015 йилга ҳам ўз режаларини белгилаб қўйган. Йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш ва амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ равишда сарой фаолиятини янада яхшилаш бу борадаги энг муҳим вазифалар қаторига киради.

Амал қилаётган «Йўл харитаси» дастурида автобус йўналишларининг бир-бирларини такрорлашига барҳам бериш, йўналишларнинг метрополитен бекатлари билан уйғунлигини таъминлаш, шаҳар ва пойтахт атрофида қатнайдиган йўналишлар фаолиятини мақбуллаштириш йўли билан автосаройларга асосий фаолиятларидан тушадиган даромадни ошириш кўзда тутилган.

Жумладан «Йўл харитаси» дастурига мос равишда «3-автобус саройи» ОАЖ йўналишларидан бирида куннинг ҳар қандай вақтида йўловчилар оқимидан келиб чиққан ҳолда турли сиғимга эга автобуслардан фойдаланишни бошлади. Масалан, бундай янгилик Қўйлиқ ва Юнусобод даҳаларини ўзаро боғловчи 50-йўналишга жорий этилди. Ушбу янги усул йўловчиларга қулай ва автосарой учун ҳам фойдалидир: мазкур тизимнинг жорий этилиши муносабати билан ёнилғи ва эҳтиёт қисмларига ишлатиладиган харажатлар қисқарди.

— Автосаройимизнинг барча хизматлари қишки мавсумда пухта, олдиндан белгиланган режа асосида фаолият юритади, — дейди «3-автобус саройи» очиқ акциядорлик жамияти директори Анвар Жўраев. — Ресурслар ва вақтни имкон қадар тежаган ҳолда ўз олдимизга қўйилган вазифаларни бажаришга ҳаракат қиляпмиз. Автобуслар ҳаракатларини узоқдан туриб назорат қилиш (GPS) ҳамда диспетчерлик бошқарувининг автоматлаштирилган тизими эҳтиёт қисмларни харид қилишнинг марказлаштирилган усулидан фойдаланиш юзасидан ишларни амалга оширишни давом эттирмоқдамиз.

Албатта, йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш автосарой ходимлари фаолиятининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Шу боис автокорхона раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳар бир участкада ҳайдовчилар, таъмирловчиларнинг ишлаши учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳаракат қилмоқда. Энг яхши ишчи-ходимларнинг меҳнатлари рағбатлантирилмоқда, санаторийларда соғлиқларини тиклашлари борасида имтиёзлар яратилган, ходимлар болаларининг соғломлаштириш оромгоҳларидаги ёзги дам олишлари ташкиллаштирилган.

Кексаларни эъзозлаш йилида узоқ йиллар давомида автосаройда фаолият кўрсатган кексаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишларига янада муҳим эътибор қаратилади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТДА: «3-автобус саройи» ОАЖ фаолиятидан лавҳа

Қарор ва ижро

ТЎҒРИ ЙЎЛГА ТУШИШ ВА ҲАЁТНИ ҚАЙТАДАН БОШЛАШ ИМКОНИЯТИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ, ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатила бошланди. Жумладан, янги таълим муассасаларини бунёд этиш, мавжудларини жорий ва капитал таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш ишлари изчиллик билан олиб борилди ва бугун ҳам ана шу эзгу ҳаракатлар давом этмоқда.

Айниқса, бу борада жорий этилган асосий янгиликлардан бири–олий таълим муассасаларига ўқишга қабулнинг тест синовлари асосида амалга оширилиши бўлди. Холислик, ҳаққонийликка асосланган бу янги усул авваллари учраб турган, юртдошларимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлган ноҳақлик, порахўрлик каби иллатларга барҳам берди. Афсуски, айрим нопок кимсалар томонидан тест синовлари жараёнида турли қинғирликлар, қонунбузарликларга йўл қўйилаётган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Тест синовларини ташкил этишга масъул бўлган мутасадди ташкилотлар, жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида бу каби ҳолатлар ўз вақтида аниқланмоқда, олди олинмоқда ва жавобгарлар тегишли равишда ўз жазосини олмоқда.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди томонидан ана шундай қонунбузарлик ҳолати кўриб чиқилди. Маълум бўлишича, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида туғилган Толиб Тоҳиров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўзининг ғаразли ниятини амалга ошириш мақсадида таниши Анвар Соатов билан жиноий тил бириктиради. 2014 йилнинг 30 июль куни улар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчасида жойлашган Тошкент автомобиль йўллари институтига 2014 — 2015 ўқув йилига абитуриентларни талабаликка қабул қилиш учун топшириладиган ва имтиҳонга кириш ҳуқуқини берувчи N OR 4493858-сонли ДТМ бланкасини қалбакилаштиришади. Яъни, Толиб Тоҳиров ДТМ бланкасидаги ўзининг фотосуратини кўчириб, ўрнига Анвар Соатовнинг суратини ёпиштиради. Натижада 1 август куни Анвар кириш тест синовларига ана шу қалбаки бланка билан Толиб Тоҳиров ўрнига киришга ҳаракат қилади. Тест синовларининг белгиланган тартиб-қоидалар асосида ташкил этилишига масъул бўлган назоратчилар жиноятчилар қилмишини фош этди, Толиб Тоҳировнинг ғайриқонуний ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 228-моддаси 2-қисми «б» банди ва шу моддани 3-қисмига кўра малакаланиб, унга нисбатан жиноий иш очилди.

Минг афсуски, мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётган бир пайтда юртдошларимиз орасида мана шундай шахслар ҳам учраб турибди. Лекин халқимизга хос бўлган кечиримлилик, бағрикенглик, инсонпарварлик, йиқилган одамни суяш, хато қилганни тўғри йўлга солиш каби миллий анъаналар, азалий қадриятларимиз уларни қилган қилмишини, унинг оқибатларини чуқур ўйлаб кўриш, тўғри хулоса чиқариб, тўғри йўлга тушиб олишларига имкон бермоқда. Жумладан, Толиб Тоҳировга нисбатан қўзғатилган жиноят иши ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарорининг 5-бандига кўра ҳаракатдан тўхтатилди.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, амнистия — бу тўғри йўлга қайтиш, бошқа адашмаслик, ишончи оқлаш, ҳаётни қайтадан бошлаш имкониятидир. Шу имконият туфайли Толиб Тоҳиров ҳам оиласи, яқинлари бағрига қайтди. Энди у берилган мана шу имкониятдан оқилона фойдаланса бас.

Баҳодир ТАЙДЖАНОВ,
Миробод тумани прокурори

Яшнобод тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

ЯШНОБОД ТУМАНИНИНГ 2015 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил 31 декабрь, 52-(1)-сон) 28, 99-моддалари, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 25-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 13 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги СК-453-II-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2270-сонли Қарори («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2014 йил 15 декабрь, 50-сон, 590-модда), халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2014 йил 10 декабрдаги «Тошкент шаҳрининг 2015 йилги маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида»ги 334/4-40-сонли қарори ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2014 йил 23 декабрдаги 1053-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ва туман молия бўлимининг 2014 йил 25 декабрдаги 01-01/324-сонли хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2014 йил 23 декабрдаги «Тошкент шаҳрининг 2015 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1053-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Яшнобод туманининг 2015 йилги маҳаллий бюджетининг асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

Умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёрлари 2-иловага мувофиқ;

Туман маҳаллий бюджетининг 2015 йил учун айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Яшнобод туман маҳаллий бюджетининг 2015 йил учун аниқлаштирилган асосий параметрлари қуйидаги миқдорларда тасдиқлансин:

даромадлар – 90 687 603,0 минг сўм;
харажатлар – 90 687 603,0 минг сўм.

4. Туман ҳокимлиги молия бўлимига 2015 молия йили давомида:

туман маҳаллий бюджетининг даромадлар ва харажатлар қисмига ўзгартиришлар киритиш туман ҳокимлигининг молия бўлими тақдимномасига кўра туман ҳокимининг қарори асосида амалга оширилсин.

5. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (С.Тўлаганов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Компьютерлаштириш маркази» ДУКнинг Яшнобод туман тармоқ администратори (Д.Миршомилов):

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида мазкур қарорнинг расмий эълон қилиниши ва www.yashnobod.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Туман ҳокимининг 2013 йил 31 декабрдаги «Ҳамза туманининг 2014 йилги маҳаллий бюджет параметрлари тўғрисида»ги 484-сонли қарори ўз кучини йўқотади.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Валиев зиммасига юклансин.

Яшнобод тумани ҳокими
Ф.Хакимов

2014 йил 30 декабрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлашга тайёргарлик ва шоира ижодига бағишланган махсус веб-сайтни такомиллаштириш юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Зулфия таваллудининг 100 йиллигига

ШОИРА ЮБИЛЕЙИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари, халқ шоири И.Мирзо, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли маънавий-маърифий ислоҳотлар жараёнида миллий адабиётимизда ёрқин из қолдирган ижодкорларнинг ҳаёти ва бой меросини ўрганишга қаратилаётган доимий эътибор халқимиз, жумладан, ёш авлод маънавиятини юксалтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда дастуруламал бўлаётир.

Айни пайтда юртимизда тегишли давлат, жамоат ва ижодий ташкилотлар ҳамкорлигида қарорда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, шоиранинг «Сайланма» асарлари, «Зулфия замондошлари хотирасида» китоби ва бошқа асарлар нашрга тайёрланмоқда. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар, умумтаълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари, маҳаллаларда таниқли адиб ва шоирлар, фан ва маданият намояндалари иштирокида шоиранинг ҳаёти ва ижодига бағишланган туркум учрашувлар, адабий кечалар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ҳам қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда юбилейни юқори савияда ўтказиш бўйича муайян лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жойларда уюштирилаётган маънавий-маърифий тадбирларга аҳоли ва ёшлар кенг жалб этилмоқда.

Зулфиянинг серқирра фаолияти ва адабий меросини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида «Саодат» журнали қошида махсус ижодий мактаб ташкил этилди. Юртимиздаги қатор театрларда шоиранинг «Хотирам синиқлари» достони асосида саҳналаштирилган спектакль намойиш қилинмоқда.

Шоира ҳаёти ва ижодига бағишланган Zulfiyaxonim.uz сайтини такомиллаштириш юзасидан ҳам изчил ишлар бажарилаётир. Ушбу сайтда шоиранинг ҳаёт ва ижод йўли, унинг сиймоси акс этган сурат ва ҳайкалтарошлик намуналари, фотоальбомлар, аудио ва видеофайллар, рассомларнинг Зулфия китобларига ишлаган иллюстрациялари, қардош халқлар адибларининг шоирага бағишланган асарлари, мустақиллик даврида Президентимиз раҳнамолигида истеъдодли ижодкорга кўрсатилган юксак эҳтиром, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг фаолияти ифода этилган маълумотларни ўқувчиларга тақдим этиш режалаштирилган.

Тадбирда юбилейга тайёргарлик, шоиранинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи сайтни яратишда турли ташкилотлар ҳамкорлигида олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш бўйича вазифалар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Китоб билим чироғи (ЎзА) олган сурат

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2015 йил 23 февралда такроран ўтказиладиган ва тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат активларини сотиб олишга таклиф этади.

Давлат активларини сотиб олиш шартлари қуйидагича:
— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
— ушбу давлат активлари учун энг камида жадвал иловаларида келтирилган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятларини олиш;
— янги ишчи ўринларини ташкил этиш;
— сотиб олиш тўлови ва инвестиция киритишни қисқа муддатларга (буйруқ иловаларига мувофиқ жадвалларда келтирилган) амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
— сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15 % дан кам бўлмаган гаров суммаси;
— таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2015 йил 23 февраль куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй манзилида ўтказилади. Ушбу куни савдолар бўлмаган тақдирда, 2015 йилнинг 9, 23 март, 6, 20 апрель, 6, 4, 18 май, 1, 15, 29 июнь ва 13, 27 июль кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-22-83, 233-74-72.

Оммавий оферта савдоларига такроран чиқарилаётган давлат активлари рўйхати

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўм)	Давлат активининг сотилиш нархи (давлат активининг савдога чиқарилган нархидан 10 фоизга арзонлаштирилган бошланғич нархи) (сўм)	Инвестиция мажбурияти (сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Бино ва иншоотлар	8 204,00	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли (Ниёзов) кўчаси, 1-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	7 317 811 400,00	6 586 030 260	2 195 343 420,00	1 йил
2	"Махсусбутлашгаз" МЧЖ	35,86 фоиз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олмачи кўчаси, 21-уй	"Махсусбутлашгаз" МЧЖ	25.04.2012 №1743	956 999 600,00	861 299 640	100 000 000,00	1 йил
3	МЧЖ шаклидаги "Bezak" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси	17,5 фоиз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 26-уй	МЧЖ шаклидаги "Bezak" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси	12.08.2011 №211	1 479 496 200,00	1 331 546 580,00	1 йил муддат ичида энг кўп миқдорда инвестиция киритиш шарти билан	
4	Илмий ишлаб чиқариш лаборатория бино ва иншоотлари	6 383,00	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли (Ф.Ходжаев) кўчаси, 25-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	6 169 416 246,00	5 552 474 622,00	1 850 800 000,00	1 йил
5	Бино ва иншоотлар	3 440,00	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли (Ф.Ходжаев) кўчаси, 25а-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	3 367 093 747,00	3 030 384 373,00	1 010 100 000,00	1 йил

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўм)	Объектларнинг сотилиш нархи (объектларнинг савдога чиқарилган нархидан 10 фоизга арзонлаштирилган бошланғич нархи)	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Нотурар жой биноси	463,0	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6 «Б»-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	25.04.2012 №1743	377 898 285,00	340 108 457,00	– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; – қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; – янги иш ўринларини ташкил этиш; – харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида)	
2	«Тоғ-геология жамланма экспедицияси» МЧЖ	29,5 фоиз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Мироқилов кўчаси, 68а-уй	«Тоғ-геология жамланма экспедицияси» МЧЖ	25.04.2012 №1743	197 104 700,00	177 394 230,00		
3	«YENGMATIJMARKAZI» МЧЖ	25,0 фоиз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 45-уй	«YENGMATIJMARKAZI» МЧЖ	25.04.2012 №1743	243 444 680,00	219 100 212,00		
4	«4-сон таъмирлаш қурилиш йиғиш бошқармаси» МЧЖ	98,64 фоиз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қумариқ кўчаси, 3-уй	«4-сон таъмирлаш қурилиш йиғиш бошқармаси» МЧЖ	25.04.2012 №1743	517 726 900,00	465 954 210,00		

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўм)	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Авария-электр хизмати ва омборхона бино-иншоотлари	471,0	Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев (М.Улуғбек) кўчаси, 3-уй	Тошкент шаҳар «Қурилиш-таъмирлаш хизмат кўрсатиш бошқармаси»	25.04.2012 № 1743	288 774 883,00	– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; – қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; – янги иш ўринларини ташкил этиш; – харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида)	

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объектнинг манзили	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўм)	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	«ISSIQLIKQUVVATTA'MIR» МЧЖ	25 % давлат улуши	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 53-уй	«ISSIQLIKQUVVATTA'MIR» МЧЖ	25.04.2012 №1743	1 270 018 215,00	– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; – Ушбу улуш учун энг юқори қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; – янги иш ўринларини ташкил этиш; – харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида)	
2	«Тошкоммуналтаъминот» МЧЖ	48 фоиз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Чашма кўчаси, 3-уй	«Тошкоммуналтаъминот» МЧЖ	25.04.2013 ПК-1743	1 395 169 600,00		

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўм)	Инвестиция мажбурияти (сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Физиклар уйи	2 590,00	Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек шаҳарчаси	Ядро физикаси институти	7.09.2009 №256	1 656 605 811,95	276 500 000	1 йил
2	Лаборатория биноси	1 245,00	Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй	Электроника институти	7.09.2009 №256	1 042 420 915,74	174 000 000	1 йил
3	Ошхона биноси	534,00	Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	7.09.2009 №256	454 427 818,20	76 000 000	1 йил
4	Ёрдамчи биноси	121,00	Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	7.09.2009 №256	84 451 635,44	14 500 000	1 йил
5	Ёрдамчи биноси	40,00	Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергитика ва автоматика	7.09.2009 №256	33 892 931,86	6 000 000	1 йил
6	Ишлаб чиқариш биноси (қурилиши тугалланмаган бино)	8 231,00	Юнусобод тумани, Соҳибкор кўчаси, 2-уй	Математика ва инф. тех. институти	7.09.2009 №256	3 499 609 262,00	1 050 000 000	3 йил
7	"Tayyorlov savdo" МЧЖ	28,91% давлат улуши	Олмазор тумани, Узум боғ 9-тор кўчаси, 88-уй	"Tayyorlov savdo" МЧЖ	12.08.2011 №233	1 486 370 095,00	-	-

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўм)	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	2 қаватли бинонинг 1-қаватидаги умумий майдони 79 кв.метрга тенг қисми	79,00	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Сайхун кўчаси, 19-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	25.06.2013 № 209	72 672 000,00	– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; – қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; – янги иш ўринларини ташкил этиш; – харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида)	
2	Қурилиши тугалланмаган бино	2 194,0	Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Чирчиқ бўйи кўчаси	Бектемир туман ҳокимлиги	25.07.2013 № 209	1 404 154 739,00		
3	3 қаватли бино-иншоот	2 207,00	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Жомий кўчаси, 5-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	25.07.2013 № 209	1 947 155 863,00		
4	1 қаватли бино	633,00	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Жомий-5, Уста Ширин 1-тор кўчаси	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	25.07.2013 № 209	580 129 403,00		

ҲИСОБОТ ТОПШИРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси нодавлат ва нотижорат ташкилотларига 2014 йил давлат статистик ҳисоботларини қонунда белгиланган муддатларда тақдим этишлари зарурлигини эслатади:

- 1-notijorat shakli «НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА 2014 ЙИЛ УЧУН ҲИСОБОТ», нотижорат ташкилотлари (жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари (ХУЖМШ) дан ташқари) тақдим этадилар, тақдим этиш муддати 16 февралдан кечиктирмай;

- 1-NNT shakli НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА 2014 ЙИЛ УЧУН ҲИСОБОТ, Жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тақдим этадилар, тақдим этиш муддати 2 мартдан кечиктирмай.

Мансабдор шахсларнинг давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиши, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиши ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиши Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4453-сонли Фармонига мувофиқ, 2015 йил 1 январдан бошлаб барча статистик ҳисоботлар электрон кўринишда тақдим этилиши лозим.

Барча маълумотлар www.stat.uz сайтида мавжуд.

Маълумот учун телефонлар: 230-88-29, 230-88-09.

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Бектемир туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар Бектемир туман судининг 2014 йил 19 сентябрдаги 1-241/2014 сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Тошкент ҳалқа автомобиль йўлида жойлашган умумий майдони 2152 кв.метр, шундан 239 кв.м кўчмас мулк эгаликда бўлиб, 10 та бино, 1 та қурилиши тугалланмаган бино, 6 та иншоот ва 8 та қурилиши тугалланмаган иншоотлар (қарор асосида қурилаётган қурилмалар 744 кв.м, ҳуқуқий ҳужжатсиз қурилмалар 2973 кв.мдан иборат бино ва иншоотлар) қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 1 278 166 301 сўм**.

Аукцион савдоси 2015 йил 3 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 27 февраль куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-80-23. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

МЎЙҚАЛАМНИНГ ЕНГИЛ РАҚСИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвонсаройида «Мўйқаламнинг енгил рақси» деб номланган суми-э анъанавий япон акварель санъати кўргазмаси очилди, дея хабар беради ЎзА.

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорлик турли йўналишлар, жумладан, маданият ва санъат соҳасида ҳам изчил ривожланаётгани таъкидланди. Бу борада икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

2002 йилда имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот маданият ва санъат соҳалари бўйича икки мамлакат ўртасида ҳамкорликни изчил ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Ҳамкорлик доирасида турли маданий-маърифий тадбирлар, жумладан, кўргазма, биеннале, театр ва кино тақдимотлари ташкил этилмоқда. Пойтахтимизда очилган суми-э анъанавий япон акварель санъати кўргазмаси ҳам шундай тадбирлар сирасига киради.

Суми-э – бўёқ ёрдамида чизиладиган япон санъат асари ва бир пайтнинг ўзида медитациянинг ўзига хос фалсафаси ҳамда усули саналади. Шунингдек, у чизиқлар санъати, деб аталади. Чунки суми-эни яратиш техникаси фақат тўртта тортилган бўёққа асосланади. Ҳар бир тортилган бўёқ аъло даражада бўлиши керак. Бунинг учун доимий машғулот ва маҳоратни сайқаллаб бориш талаб этилади.

Кўргазмада 50 га яқин расм намойиш қилинмоқда. Бу ерга келганлар япон халқи анъаналари, тимсоллари ва турмуш тарзини ўзида акс эттирган «Кўғирчоқлар фестивали», «Оқ камелия», «Фудзи тоғи», «Лайлак» каби асарлар билан танишмоқда.

Бобур ОБИДОВ,
Аъло Абдуллаев олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан «Баркамол авлод» болалар марказлари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

ИСТЕЪДОД ВА ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШ МАКТАБИ

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида навқирон авлодни ҳар жиҳатдан соғлом, юксак маънавиятли инсонлар этиб вояга етказишга оид ибратли саъй-ҳаракатлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги «Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мактабдан ташқари техник ва гуманитар таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, ушбу йўналишдаги ўқув муассасаларининг замонавий моддий-техник базасини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Болалар ва ёшларнинг техник ва аниқ фанларни, табиатшунослик ва ўлкашунослик асосларини қўшимча тарзда ўрганиши учун зарур шароитлар яратиш мақсадида 2010 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «Баркамол авлод» болалар марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Болалар ижодиётини янада ривожлантириш, ўқувчиларнинг турли фанларга қизиқишини кучайтириш, уларнинг қобилият ва истеъдодини ўз вақтида аниқлаш ва кашф этиш, мактабдан ташқари вақтини унумли ташкил этиш, турли касб танлашга оид билимларини оширишда ушбу марказларнинг фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги кунда юртимизда икки юздан ортиқ «Баркамол авлод» болалар маркази фаолият кўрсатмоқда. Улардаги тўгараклар, ижодий студиялар фаолиятини ривожлантириш, машғулотлар сифати ва савиясини ошириш юзасидан катта ҳажмдаги ишлар бажарилмоқда.

Семинарда «Баркамол авлод» болалар марказларининг 2015 йилдаги фаолиятига оид режалар белгилаб олинди.

(ЎзА)

Болалар спорти

СОҒЛОМ ҲАЁТ ГАРОВИ

Спорт ўғил-қизларда кучли ирода, ғалаба ва мақсад сари интилиш фазилатларини тарбиялашда, улар қалбига ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, фахр-ифтихор каби туйғуларни сингдиришда муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантириш, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун кенг имконият яратишга қаратилаётган алоҳида эътибор навқирон авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг спортга бўлган қизиқишини янада ошириш, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етишига хизмат қилмоқда.

Буни пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги 24-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида тарбияланаётган ўғил-қизлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Барча зарур шароитга эга мазкур мактабда ташкил этилган футбол, бадиий гимнастика, бокс, эркин кураш ва дзюдо секцияларида 500 нафарга яқин ўғил-қиз спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

– Бугунги кунда болалар, айниқса, ота-оналарнинг спортга муносабати бутунлай ўзгарди. Эндиликда аксарият ота-оналар спортга фарзандлари соғлом ва бақувват бўлиб улғайишининг асосий омили сифатида қарамоқда. Мактабимизда спорт билан шуғулланувчи ўғил-қизлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётгани ҳам буни тасдиқлайди, – дейди мактаб директори Ҳасан Дуйсебоев. – Болаларнинг кўзларидаги иштиёқ, ўзига бўлган ишонч ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Чунки уларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча имконият яратилган.

Мактабда ўғил-қизларнинг спорт турларини пухта ўзлаштириши учун тажрибали мураббийлар жалб этилган. Футбол майдони, ёпиқ спорт зали, тренажёр зали, тиббиёт, ювиниш хоналари улар ихтиёрида. Мажмуа Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан спорт анжомлари билан таъминлангани машғулотларни юқори савияда ташкил этиш имконини бераётир.

Бу ерда болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг саломатлиги, жисмоний ва руҳий ҳолати мунтазам қайд этиб борилади. Ўтган йилги тиббий кўрик натижалари ўғил-қизларнинг бўйи ўсгани, вазни меъёрлашганини кўрсатди. Спорт билан мунтазам шуғулланаётган болалар тез-тез учраб турадиган касалликларга чалинмаётгани ота-оналарни хурсанд этмоқда.

Бугунги кунда мактабнинг футбол секциясида 200 нафардан зиёд бола 17 гуруҳда қатнашмоқда.

...Футбол майдонида мураббий бир гуруҳ болаларга югуриш, чигилёзди машқлари ва тўп билан ишлашни ўргатмоқда. Сўнгра футбол техникаси ва тактикасига оид машғулотлар бошланди. Зеро, футбол қоидалари ва ўйин услубини пухта ўзлаштирган бола келажакда моҳир футболчи бўлиб етишади.

Футбол билан шуғулланаётганига энди уч ой бўлган Нуржигит Абдуазимов ушбу секцияга мактабдош дўстларига ҳавас қилиб келган.

– Санжар, Темур каби дўстларим футбол билан мендан анча аввал шуғуллана бошлаган, – дейди Нуржигит. – Улар билан машғулотларда ўрганганларимизни такрорлаб, бир-биримизнинг хатоларимизни тўғрилашга ҳаракат қиламиз. Санжарнинг ярим ҳимоядаги тезкор тўп узатишлари, Темурнинг ҳимоядаги ҳаракатларига ҳавасим келади.

Бугун футбол машғулотларига жалб этилган ёшлар турли мусобақаларда тажриба ва маҳоратини ошириб келмоқда. Уларнинг иқтидорлилари «Бунёдкор» ва «Пахтакор» футбол клублари академияларига қабул қилинган.

Мактаб тарбияланувчилари бошқа спорт турларида ҳам ўзини кўрсатиб келмоқда. Мактабнинг бокс, эркин кураш, бадиий гимнастика тўгаракларига қатновчи ўғил-қизларнинг эришаётган натижаларига ҳавас қилса арзийди.

– Шогирдларимнинг ҳаммаси иқтидорли, ўзига нисбатан ишончи баланд. Лекин болаларнинг спортда натижага эришиши фақат жисмоний машғулотларга боғлиқ эмас, – дейди ЎзА мухбирига бокс бўйича мураббий Акмал Сайдуллаев. – Шу боис, машғулот давомида уларни руҳий жиҳатдан чиниқтиришга, уларда ватанпарварлик туйғусини ўстиришга, оилада ўзини тутиши, мактабдаги дарсларини ўзлаштиришини назорат қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратамиз.

Бокс билан икки йилдан бери шуғулланаётган саккиз ёшли Исломбек ва Имронбек Ғайратжоновларнинг ўзини тутиши, муомаласидан спорт фарзанд тарбиясида нечоғли аҳамиятга эга эканига амин бўлдик. Улар туман микёсидаги мусобақаларда яхши натижаларга эришмоқда.

– Оиламизда соғлом турмуш тарзига жиддий эътибор қаратамиз, ўзим ҳам ҳар куни эрталаб югуришни канда қилмайман, – дейди уларнинг отаси Ғайрат Турсунов. – Ўғилларим спорт билан шуғулланганидан бери тартиб-қоидага, тозаликка, дарсларни ўзлаштиришга янада масъулият билан қарайдиган бўлди. Асосийси, улар соғлом бўлиб ўсаяпти. Ота-она учун бундан ортиқ бахт йўқ.

Ҳа, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида тарбияланаётган минглаб ўғил-қизлар чемпион бўлишни мақсад қилган. Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, ёшлар камолоти йўлида яратилаётган имкониятлар уларнинг эзгу ниятларига эришиши учун қанот бўлиши шубҳасиз.

Байрам АЙТМУРОДОВ

Спорт янгиликлари

Теннис бўйича хотин-қизлар ўртасида ITF туркумига кирувчи халқаро турнирда ўзбекистонлик ракетка усталари Альбина Хабибулина ва Полина Меренкова муносиб иштирок этди.

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ

Қозоғистонда ташкил этилган мусобақанинг жуфтликлар баҳсида спортчиларимиз биринчи даврада франциялик Камилле Чели ва исроиллик Керен Шломани 5:7, 6:1, 10:3 ҳисобида енгди. Чорак финалда россиялик Надежда Горбачкова ва Полина Новиковадан 7:6, 6:4, ярим финалда молдовалик Жулия Хелбет ва россиялик Марта Паигинадан 7:5, 6:1 ҳисобида устун келди.

Ҳал қилувчи баҳсда мезбон спортчилар Александра Гринчишина ва Екатерина Клюева устидан 6:4, 6:1 ҳисобида ғалаба қозонган теннисчиларимиз бош совринни қўлга киритди.

АТЛЕТЛАРИМИЗНИНГ ЧЕХИЯДАГИ ҒАЛАБАСИ

Чехияда енгил атлетика бўйича ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари муваффақиятли иштирок этди.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасидан маълум қилишларича, турнирда атлетларимиз 2 олтин, 2 кумуш ва 1 бронза медаль жамлади.

Узунликка сакраш бўйича спортчиларимиздан Азиз Омонов олтин, Руслан Қурбонов кумуш медални қўлга киритди. Лангарчўпга таяниб сакраш баҳсларида Леонид Андреев олтин, баландликка сакраш бўйича Екатерина Воронина кумуш медалга лойиқ деб топилди.

Яна бир тажрибали спортчимиз Анастасия Журавлёва узунликка сакраш бўйича қизлар ўртасида ўтказилган мусобақада бронза медаль билан тақдирланди.

САМБОЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Самбо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 2015 йилги спорт мавсумини муваффақиятли бошлади.

Қозоғистонда самбо бўйича ўтказилган жаҳон кубоги босқичида терма жамоамиз аъзолари еттита медални қўлга киритди.

Йигирмадан зиёд давлатдан 200 нафардан ортиқ спортчи иштирок этган мусобақада жанговар самбо бўйича вазни 52 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида ҳамюртимиз Раҳматжон Аҳмедов олтин медални қўлга киритди.

Иқтидорли полвонимиз спорт самбоси бўйича ўтказилган беллашувларда ҳам муваффақиятли қатнашиб, ўз вазн тоифасида учинчи ўринни эгаллади.

Жанговар самбо бўйича вазни 100 килограммдан ортиқ бўлган полвонлар баҳсида Исломжон Азимов кумуш медалга лойиқ топилган бўлса, 74 килограммгача оғирликда Фурқат Рўзиев бронза медаль билан тақдирланди.

Спорт самбоси бўйича вазни 90 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида ҳамюртимиз Илҳом Йўлдошев энг кучли эканини исботлади. У ҳал қилувчи баҳсда мезбонлар вакили Олмозбек Юсупов устидан ғалаба қозониб, олтин медалга сазовор бўлди. Вазни 57 килограммгача бўлган самбочилар беллашувида Толмас Тўқлиев, 48 килограмм оғирликдаги хотин-қизлар баҳсида спортчимиз Нодира Гулова бронза медали билан тақдирланди.

(ЎзА)

Хонадонда носоз электр жиҳози ишлатилса, очиқ ҳолда қолган электр симларига беҳосдан тегиб кетилса, у ўзининг салбий томонларини намоён этиб, сониялар ичида қайта тикланмайдиган ва фожиавий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Мутахассис маслаҳати

ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИГА РИОЯ ҚИЛИНГ

Ҳозирги кунга келиб, бизнинг маиший турмуш тарзимизга шиддат билан технологик янгиликлар кириб келмоқда. Бизнинг ишимизни енгиллаштиришга, вақтимизни тежашга, қулайликлар яратишга мослаштирилган бу маиший электр жиҳозларини танлашда, уларни тўғри ишлатишда ва сақлашда масъулиятли ва эҳтиёткор бўлиш даркор. Хонадонимиздаги телевизор, магнитофон, чангютгич, дазмолдан одатий бўлмаган бегона товушлар эшитилса ёки уларнинг симлари бирон-бир сабабга кўра шикастланса, розеткаларнинг ёқиб-ўчириш мосламалари ва улагичнинг ҳимоя қатламлари бузилиб, электр симлари яроқсиз ҳолга келган бўлса, уларни зудлик билан бартараф этиш учун мутахассисга мурожаат этиш лозим.

Электр жиҳозлари (телевизор, компьютер, кир ювиш машинаси ёки микротўлқинли печь)ни олишдан олдин, уларнинг сифат сертификати, электр қуввати, истеъмол қиладиган токи ва кучланиши билан олдиндан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Розетканинг максимал токига нисбатан ортиқча ток юкламасини юклаш унинг қизишига сабаб бўлади. Агар розетка ёки ёқиб-ўчириш мосламасининг қизиб кетиши ҳолати вужудга келса, уларни дарҳол ўчириш ва тармоқдан узиш чорасини кўриш керак.

Ўлкамизга ёз фасли кириб келганда куннинг тунга нисбатан узайиши ҳамда ҳаво ҳароратининг 40 даражадан ошиши натижасида турар жойларга турли сиғимдаги совутиш мосламалари, кондиционерлар ўрнатишга тўғри келади. Пировардида электр юкламаси ошади ва бу электр энергияси ҳамда сармоянгизнинг ортиқча сарфланишига олиб келади. Бунинг олдини олиш мақсадида уйингизга ўрнатилган совутиш тизимини соз ҳолатда сақлаш ва ортиқча электр токи ишламайдиган мосламалардан фойдаланиш жоиз.

Қаерда бўлишингиздан қатъи назар ёдингизда сақланг, электр энергиясидан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш ҳаётингиз ва осойишталигингизнинг бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Д.САЛИКОВ,
«Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг Тошкент шаҳар бўлими инспектори

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **29 январь** куни ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10 даража совуқ, кундузи — 2-4 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **29 январда** Тошкент шаҳрининг обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-7229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 155
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12684 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5